Гос. книжная палата УзССР

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 55 (18.532). • Сешанба, 1983 йил 8 март • Баҳоси 3 тийин.

## БУГУН — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ШУНГА ҚАТЪИЙ АМИНДИРКИ, ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ, ЎЗАК ЙИЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎЗЛАРИГА ХОС МЕҲНАТ ШАВКАТИ, ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ АВАЙЛАБ АСРАШ, ЮКСАК ИНТИЗОМ, УЮШҚОҚЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТАДИЛАР. КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИДА ЎРТАГА ҚЎЙИЛГАН ЯНГИ КАТТА ВАЗИФАЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЎП ЖИҲАТДАН СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, ШИЖОАТИ, ИЖОДИЙ КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИГА БОҒЛИҚ БЎЛАДИ.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига табрикномасидан).

## ЁРҚИН ИҚБОЛ ЮЛДУЗИ

Она табиат уйғониб, бутун олам яшил либос киймоқда. Мана шу мунаввар, ҳузурбахш, завқ-шавқли илк баҳор кунлари ҳар биримиз жўшқин ғайрат, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдамиз. КПСС XXVI съезднинг улуғвор қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми олдимизга қўйган вазифаларни — мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик планларини собиткадам амалга ошириш йўлида социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдамиз. Худди шу шукуҳли кунларда замонамизнинг энг ёрқин байрамларидан бири — Халқаро хотин-қизлар кунини нишонламоқдамиз.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин меҳнаткаш хотин-қизларнинг асосий кўпчилигини социалистик қурилишга кенг кўламда жалб этиш ғоят муҳимлигини, бу ишни ҳамиша диққат марказида тутиш позимлигини васият қилган эди. Коммунистик партия социал-сиёсий ва иқтисодий тенглик негизида дунёни тубдан ўзгартиш йўлидаги бутун фаолияти мобайнида бу ленинча васиятга оғишмай амал қилиб келмоқда.

«Мамлакатимизнинг хотин-қизлари кураш ва фидокорона меҳнатнинг шонли йўлини босиб ўтдилар, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табригида, — улар тилларда достон бўлган революционерлар отряди сафларида бўлиб, Ленин раҳбарлигида большевиклар партияси асосларини яратдилар, меҳнаткашларни Улуғ Октябрь ғалабасига олиб келдилар. Совет давлати ривожланишининг барча босқичларида — тинч бунёдкорлик даврида ҳам, уруш синовларининг суронли йилларида ҳам хотин-қизлар ўзларининг коммунизм идеаллари йўлида онгли, актив курашчилар эканликларини кўрсатдилар».

Бугунги кунда кўп тармоқли замонавий саноат ва қишлоқ хўжалигини, изланишлар уфқи муттасил кенгайиб бораётган илм-фан, маданият ва санъат равнақини хотин-қизларимиз иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуни айтиш кифоя, ҳозирги пайтда улар халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг 42 процентини ташкил этади. Хотин-қиз меҳнатчиларнинг 90 проценти ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш учун мусобақада фаол қатнашмоқда. Юз минглаб аёллар коммунистик меҳнат ҳаракати, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатининг иштирокчиларидир. Бу рақамларнинг жонсиз қучи ҳеч қандай шарҳга муҳтож эмас, албатта. Бу активлик хотин-қизларимиз ўз умумий тайёргарликларини ва касб маҳоратларини жамият бахт-саодати йўлида, ҳар бир хонадоннинг равнақи ва фароғати йўлида хизмат қилдириш, порлоқ истиқбол —коммунистик жамият қуриш учун курашда фаол иштирок этиш иштиёқи нақадар кучли эканлигининг ёрқин нишонасидир.

Меҳнатда шижоатли, ишқ-муҳаббатда садоқатли, меҳри бир жаҳон аёлларимизнинг жарангдор овозлари ўн биринчи беш йиллигининг улкан қурилишлари ҳавозаларида, пахта далаларида, чорва фермаларида баралла янграмоқда. Иш вақтидан, қувватлардан унумли фойдаланиш, резервларни тўла ишга солиш учун кураш изланувчан, ижодкор меҳнаткашларнинг жамият ишларига онгли муносабати билан уйғунлашиб, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда қудратли кучга айланаётир. Минглаб аёллар ҳозирдаёқ ўн биринчи беш йиллик маррасини эгаллаб қўйишди. Қолоқларсиз, самарали ва сифатли меҳнат қилиш Салима Луқмонова, Холбуви Рустамова, Раиса Иванушкина, Гулбаҳор Нуруллаева, Саодат Элмуродова сингари беш йиллик гвардиячиларига шон-шуҳрат келтирмоқда.

Хотин-қизлар орасидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кўплаб маҳоратли ташкилотчилари етишиб чиқди. СССР Олий Советининг депутати Ойимхон Камолова Амударё районидаги Крупская номли колхозга кўп йиллардан буён тадбиркорлик билан раҳбарлик қилмоқда. Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Тожихон Мелибоева директор бўлган Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози юксалишнинг равон йўлидан бормоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бу тажрибали ташкилотчиси ва принципиал раҳбари етакчилигида совхоз экономикаси муттасил юксалаётир, коллектив Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳиссани тобора кўпайтираётир.

Советлар мамлакати Улуғ Октябрдан кейинги даврда тараққиётнинг жуда катта йўлидан олга қараб дадил борди. «Қолоқлик, қашшоқлик ва вайронгарчилик ҳолатидан маданияти ғоят юксак даражага кўтарилган ва халқ фаровонлиги доимо ошиб бораётган замонавий улуғ давлатнинг кудратигача бу қадар шитобли парвоз, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Ю. В. Андропов СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисда қилган докладида, — тарихда асло кўрилган эмас». Бу мисли кўрилмаган тез суръатлар билан олиб борилган социал-иқтисодий ўзгартишларда хотин-қизларнинг роли ғоят катта бўлди. Ҳамма босқичларда улар янги ҳаёт қурувчиларининг олдинги сафларида бордилар, сабот-матонат билан фидокорлик кўрсатиб, меҳнат қилдилар. Мана шу фидокорликнинг меваси сифатида бугун улар фаровон ҳаёт кечирмоқдалар, жамиятнинг бой имкониятларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Озод ҳаёт, тарихда энг одил жамият тузилганлиги хотин-қизлар камолоти учун беқиёс имкониятлар очди. Улар илм-фанни юксак чўққиларга кўтармоқдалар, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ маорифини ривожлантиришга, хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларини жадал ўстиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Атоқли олималаримиз Р. Аминова, М. Охунова, Р. Убайдуллаева, эл севган санъаткорларимиз Ҳ. Носирова, С. Эшонтўраева, Тамарахоним, Б. Қорнева бизнинг фахримиз, ифтихоримиздир.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кейинги йилларда хотин-қизларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий турмушдаги активлигини ошириш йўлида изчил иш олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори асосида меҳнаткашларни партия ва халқимизнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш такомиллаштирилмоқда. Турмуш маданиятини кўтариш, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизмат даражасини яна ҳам яхшилаш, мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш хотин-қизларни ишлаб чиқаришга самарали жалб этишнинг янги-янги имкониятларини очаётир.

Бугун — Халқаро хотин-қизлар куни. Совет аёллари эркинлик, озод меҳнат, мусаффо осмон учун тинимсиз кураш олиб бораётган жаҳон меҳнаткаш хотин-қизлари ҳаракатининг олдинги сафларида бораётирлар. Советлар диёри шонли хотин-қизларининг турмуш тарзи, ижтимоий бурча муносабати жаҳондаги миллион-миллион эрксевар кишилар учун мафтункор аҳамият касб этдики, бу уларнинг тинчлик ва социал тараққиёт учун курашига куч-қудрат бағишламоқда.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз опа-сингиллар! Толеингиз яна ҳам баланд бўлсин, иқбол юлдузингиз ҳамиша ёрқин чақнайверсин!

«Гулхонанг агар-чи гиламдек кичик, аммо мазмунида Ватан яшрин». Ушбу суратдаги гулгун чеҳралари бахт ва шодликдан чарақлаб турган беш дугонага тикилар экансиз, беихтиёр шоир Ғафур Ғуломнинг ана шу сатрлари ёдингизга келади. Негаки, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор чеварлари Холида Мирзаҳўжаева (чапдан), Алла Зайнуддинова, Василя Камаретдинова, Сабоҳат Ҳаитова ва Мукаррам Обидоваларга хос вақтдан ўзиб ишлаш, ташаббускорлик ва ташкилотчилик хислатлари республикамиздаги аксарият хотин-қизларимиз турмуш тарзининг бош мазмунига айланган.

Шунинг учун ҳам улар 8 Март байрамини меҳнатда ва жамоат ишларида янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Суратдаги беш чевар эса шу йилнинг ўтган ойлари сарҳисобига кўра бирлашма тикувчилари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилишди.

В. Молгачёв фотоси.

## ТУЯМЎЙИН ЭНЕРГИЯСИ

Монтажчилар бригадири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Туроббой Шаропов ричагларни сурди ва шижоат билан айланиб турган турбина ротори электр генераторига туташди. Бошқариш пультида қизил ва яшил сигнал чироқлари чақнади, приборларнинг стрелкалари жонланиб, электр энергияси ҳосил қилина бошлаганлигини кўрсатди. Туямўйин ГЭСининг 25 минг киловатт қувватли биринчи энергоблоки Ўрта Осиё туташ энергосистемасига ток берди.

Ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Туямўйин гидроузелини қурувчилар олдида мураккаб проблемалар турарди, улар шу проблемаларнинг кўпига ўз ишларида биринчи марта дуч келгандилар. Биринчи марта таги қумлоқ дарёда электр станция қуришга тўғри келганлигини айтиш кифоядир. Бу таги қаттиқ дарёда шундай иншоот қуришга қараганда анча мураккабдир. Шундай шароитларда ГЭС қуриш технологияси ва методлари топилгунига қадар турли илмий-тадқиқот институтларидаги моделларда икки йил тадқиқот олиб боришга тўғри келди.

Биринчи агрегатни монтаж қилиш ҳам осон бўлмади. Ҳар бирининг вазни неча ўнлаб тонна келадиган турбинанинг қўлдан кўп парраклари ўртасида озгина бўлса-да оралиқ қолмаслиги керак. Ғоят аниқ кўрсатадиган махсус прибор монтажчилар вазифани «аъло» даражада бажарганликларини кўрсатди.

Эришилган муваффақият «Спецгидроэнергомонтаж» трестининг коллективини руҳлантириб юборди. Бу коллектив электростанция иккинчи агрегатини фойдаланишга топширишга тайёрламоқда. Яна учта 25 минг киловатт қувватли агрегатлар монтаж қилиниб бўлди. Ҳамма ишлар графикдан анча ўзиб бажарилмоқда. Жами олтита энергоблок бўлади. Уларнинг ҳаммаси ишга тушганида (шу беш йиллиқнинг охирига мўлжелланган) станциянинг қуввати 150 минг киловаттга етади.

Бундан ташқари Амударёнинг Туямўйин тўғони йиққан сув 500 минг гектар ерни ўзлаштиришга ва яна шунча майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга имкон беради.

Й. ИБРОҲИМОВ, ЎзТАГ мухбири.

Дружба, Хоразм области.

## ЯНГИ МАРРАЛАР

### РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

### АРПА ВА БУҒДОЙ

Қимматли бу икки экин республикамиз ғаллачилигининг асосий негизини ташкил этади. Арпа ва буғдой халқ истеъмоли учун зарур бўлган дон, нон ва бошқа хил маҳсулотларни кўпайтириш, уруғлик, эҳтиёт фондига эга бўлиш, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришда катта роль ўйнайди. Арпа ва буғдойнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бу қимматли экинлар кузда — бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили деярли саранжом-саришталаниб олингандан кейин, баҳорда эса чигит экиш ҳали бошланмай туриб экилади. Айни кезда такрорий экинлар экиш ва катта хирмон кўтаришга имконият яратади. Ўтган йилнинг қийин шароитларида ғаллакорлар дон тайёрлаш планини муваффақиятли уддаладилар. Давлатга 1 миллион тонна дон топширилди. Унинг асосий қисмини арпа ва буғдой ташкил этди. Хўжаликлар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган уруғлик фондини жамғариб олдилар.

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўлиб ўтган курултойида бу йил колхозлар, совхозлар ва бошқа

қишлоқ хўжалик корхоналарида 3 миллион тонна дон етиштириш мажбурияти қабул қилинди.

Халқимиз маккажўхорини паҳлавон экин деб атайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳосилдорликда маккажўхорига тенг келадиган экин йўқ. Республикамизда янгидан маккажўхорикорликка ихтисосслаштирилган 18 та совхоз тузилиши, ер, сув, ўғитлар, техника воситалари ажратилиши бу соҳага катта эътибор берилаётганини кўрсатади. Шуни ҳам айтиш керакки, шу йилнинг ўзидагина 200 минг гектардан кўпроқ майдонда маккажўхори етиштиришнинг индустриал технологияси қўлланилади. Ҳар бир хўжаликда гектар бошига ўрта ҳисобда 100 центнер «каҳрабо дон» ва камида 500 центнердан кўкпоя етиштирилишини таъминлашимиз зарур. Учинчи беш йиллиқнинг ҳал қилувчи босқичи — 1983 йилда республикамиз бўйича 1 миллион 800 минг тонна маккажўхори дони тайёрлашимиз керак. Халқимиз, партиямиз азамат маккажўхорикорларимиздан шуни кутяпти.

Республикамизнинг жанубий областларида маккажўхори экиш бошланди. Яқин кунларда барча областлар ва районлар бу муҳим ишга қизғин киришадилар. Агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари, биринчи галда мутахассислари ҳамма жойда экиш планларининг ортиғи билан бажарилишини таъминлаш чораларини кўрмоқлари, уруғнинг қайси навларини экиш ҳақида маслаҳатлар бермоқлари, гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишига эътиборни қаратмоқлари керак.

### МАККАЖЎХОРИ

### ШОЛИ

Бу йил 520 минг тонна шоли етиштирамиз. Шундан 422 минг тоннасини давлатга сотамиз! Азамат шоликорларимизнинг 1983 йилдаги социалистик мажбуриятлари ана шундай. Муҳим вазифа шоли етиштириш агротехникасини такомиллаштириш ва унинг ҳосилдорлигини республика бўйича 60 центнерга етказишдан иборатдир.

Илғор шоликорлик хўжаликларида сув кўп ёки оз бўлишидан қатъи назар фан ютуқлари, илғор тажрибаларга амал қилиниб, гектаридан 100—120 центнердан ҳосил олинмоқда. Уларнинг меҳнатни ташкил этиш услуби кенг кўламда оммалаштирилмоғи зарур. Шунга эришайликкки, ҳамма жойда давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилсин! Шоликорлик соҳасидаги ишлар янада кўпроқ механизациялаштирилсин!

Бу йилги шароитда шоли ҳар йилдагидан эртароқ экилиши, ниҳоллар ернинг табиий намига текис ундириб олиниши, шолипоялардаги бегона ўтлар бутунлай йўқотилиши керак. Органик ўғитларни ҳар йилдагидан кўпроқ жамғариб, самарадорлигини ошириш чоралари кўрилиши лозим. Шоликорликда экин экишдан тортиб, давлатга маҳсулотлар топширишгача бўлган планлар ва социалистик мажбуриятлар тўла бажарилиши керак. Бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмайди!

Шоли экишни энг яхши агротехника муддатида ўтказайлик!

## ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ

Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг VII конференциясида қатнашиш учун Деҳлига кета туриб, бу ерда тўхтаган Куба, Гренада ва Суринам делегацияларининг Ўзбекистон пойтахтининг ҳаёти билан танишди.

Куба делегациясининг бошлиғи Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети раиси Фидель Кастро Рус В. И. Ленин номли майдонда жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг бунёдкори ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Ф. Кастро Рус В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида бўлди. У ана шу муҳташам бинонинг архитектурасига ва безагига юксак баҳо берди. Кубадан келган меҳмон Тошкент метрополитени линияси бўйлаб сайр қилиб, унинг станцияларини кўздан кечирди, Тошкентнинг янги қурилиш районлари билан танишди.

Фидель Кастро Рус Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз лимонзорида бўлиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академики, халқ селекционери Зайниддин Фахриддинов билан суҳбатлашди. У фахрли меҳмонлар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Ленин номли колхозда селекция ишидаги ғоят катта натижалар ва механизациялаш даражаси менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Мен цитрус мевалар етиштиришда бундай муваффақиятларни тасаввур қила олмас эдим. Мен татиб кўрган меваларни мақтаб адо этиб бўлмайди.

Коллективнинг барча аъзоларини ва хусусан ғоят идроклиги, сергайрат ва самимий инсон Зайниддин Фахриддиновни ана шу ажойиб ютуқлар билан табриклайман.

Фидель Кастро Рус
1983 йил. 6 март».

Гренада ва Суринам делегацияларининг аъзолари ҳам Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

* * *

Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Рус бошчилигидаги Куба делегацияси, Гренада Бош министри, мудофаа, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш министри, ҳукмрон «Нью-жуэл ҳаракати» партиясининг раҳбари Морис Бишоп бошчилигидаги Гренада делегацияси ва Суринам Сиёсий марказининг бошлиғи, Ҳарбий революцион кенгаш раиси подполковник Дези Боутерсе бошчилигидаги Суринам делегацияси 6 март куни Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида делегацияларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликкa кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

## ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Деҳлида ўтказиладиган VII конференциясига бораётган Никарагуа делегацияси 7 март куни Тошкентда қисқа муддатга тўхтаб ўтди. Революция комманданте, Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати раҳбар кенгашининг координатори Даниэль Ортега Сааведра делегацияга бошчилик қилмоқда.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ БУНЁДКОРЛАРИ

**Агар меҳнаткаш хотин-қизларнинг жуда катта қисми социалистик ўзгаришда яқиндан иштирок этмаса, социалистик ўзгаришнинг бўлиши мумкин эмас.**

***В. И. ЛЕНИН.***

## БАХТЛИ ЗАМОНА

Эрта тонгда корхонамизга ишга келаётган ҳамкасбларимни кузатишни яхши кўраман. Унинг атрофи бир сайилгоҳга ўхшаб кетади шу дамларда. Комбинат дарвозаси олдида ҳам, ҳовли ва хиёбонларда ҳам тумонат одам. Ҳамма ўз цехига, қадрдон бўлиб қолган дастгоҳи ёнига шошади. Яхши кийинган, чеҳераларидан нур ёғилиб турган бу кишиларнинг дадил ҳаракатлари, эркин юришларидан ўз ишидан, ўз турмушидан ҳурсанд эканликлари кўриниб туради. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар. Корхонамизнинг асосий юки уларнинг зиммасида. Аёлларимиз корхонанинг кундалик ҳаётини кўз-қулоқ бўлиб кузатиб турадилар, унинг муваффақияти билан қувониб, камчиликларидан азият чекадилар.

Бу бежиз эмас. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси учун корхона иккинчи уйга айланиб қолган. Улар ҳозирги бахтли ҳаётларини жонажон партиямиз етакчилигида амалга оширилган революциянинг муқаддас тортиғи, деб биладилар.

Зотан, бугунги дориламон турмушимизга назар ташлар эканмиз, аввало партия ва ҳукуматимиздан миннатдорлик ҳисси қалбларимизни чулғаб олади. Бу бахтли замонага эришилгунча қанчақанча машаққатли кунлар бошдан кечирилмади, қанча қутлуғ қонлар тўкилмади, дейсиз. Орадан ўтган муддат Нурхоннинг аянчли тақдири рўй берган йиллардан бошлаб пахтачилигимизнинг улкан дарғаси Турсуной Охунованинг меҳнатдан бахт топган йилларигача бўлган бутун бир даври камраб олади. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш, босмачилар ҳаракатини тугатиш, коллективлаштириш — буларнинг ҳаммаси нурли ҳаёт учун курашнинг ўзига хос ёркин саҳифалари десак хато қилмаган бўламиз.

Коммунистик партия, Совет давлати В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, дастлабки беш йилликлардаёқ хотин-қизларнинг тўла сиёсий ва иқтисодий тенглигини таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бердилар. Улар учун эркин, ижодий бунёдкорлик йўли, бахти-саодатли ҳаёт йўли кенг очиб берилди. Партия ўз фаолияти давомида хотин-қизларни ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаолиятга, давлат ишларини бошқаришга актив жалб этиш соҳасида жуда катта ишларни амалга оширди.

Совет давлати томонидан берилган жуда катта эркинликлар ва имтиёзлар хотин-қизларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги активликларини кучайтирди. Улар жонажон она-Ватанимизни ривожлантириш ва гуллаб-яшнатиш йўлида эўр кучгайрат сарфламоқдалар.

СССР Олий Советининг депутати сифатида кўпгина катта анжуманларда, сессия йиғилишларида қатнашишга тўғри келади. Ана шу жамоатчилик фаолиятим давомида серқуёш ўлкамиз хотин-қизларининг олиб бораётган ишлари ҳақида кўпгина амалга оширилган революцияларнинг муқаддас тортиғи, деб биладилар.

Ҳозирги пайтда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иш жойида қатъий тартиб ўрнатиш йўли билан юксак меҳнат самарадорлигига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Биз шу иса-кувдуада коллективимизнинг ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун 8071 тонна ип йигириш, 54 миллион 540 минг метр ҳом мато, 66 миллион 595 минг метр тайёр газлама ишлаб чиқариш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажариш учун барча имконият ва резервларни ишга солмоқдамиз.

**М. АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг ишчиси, СССР Олий Советининг депутати.**

хотин-қизлар ташкил этмоқда. Кейинги беш йилда йигирмага яқин хотин-қиз меҳнатчига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Аёлларимиздан беш киши СССР Давлат мукофоти лауреатлигига лойиқ деб топилди. Қашқадарё область Нишон районидаги Карл Маркс номли совхознинг бригада бошлиғи Маҳкамой Ҳазратқулова, Самарқанд шаҳридаги 1-болалар поликлиникасининг врачи Мусаллам Шарафуддинова, Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг пахтакори Обида Ҳамроева, Оқдарё районидаги «Оқдарё» совхозининг сут соғувчиси Сабоҳат Абдураҳмоновалар ана шулар жумласидандир. Ҳалол меҳнат туфайли иззат-ҳурмат қозонаётган, обрў пиллапояларидан юқори кўтарилаётган бундай довруғли аёлларимизни ҳозирги кунда истаганча санаб кўрсатиш мумкин. Улар ўша инқилоб иши учун жонларини фидо қилган ажойиб революция чавандозлари бошлаган ишни улуғламоқдалар, мамлакатимиз тараққиёти суръатларини янада юқори кўтариш учун ижодкорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Қудратли Ватанимизнинг бир парчаси ҳисобланган комбинатимизда ҳам хотин-қизларнинг меҳнатда кўрсатаётган ибрати ҳақидаги характерли мисоллар жуда кўп. Мен аввало Наманган шаҳар Советининг депутати Ўктамхон Муҳиддинова ҳақида меҳр ва муҳаббат билан гапиргим келади. У шаҳар партия комитетининг аъзоси сифатида актив жамоатчилик иши олиб бориш билан бирга иш топшириқларини ҳам мунтазам равишда ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлмоқда. Корхона тўқимачилари ўртасидаги мусобақа пешқадамларидан бўлган Муҳиддинова айни кунларда шу йилнинг охирги ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда. Гулсум Дўсанбоева, Людмила Кудряшова, Тожихон Баратова, Роза Павлова сингари тўқимачилар ҳам мардона меҳнатлари билан ўн биринчи беш йиллик планларини белгиланганидан тезроқ бажаришга муяссар бўлмоқдалар.

Ўтган йили комбинатимиз республика Енгил саноат министрлигининг илғор корхонаси деган шарафли номни олишга мушарраф бўлган эди. Бу номга яраша меҳнат қилиш ҳар бир тўқувчимизнинг юксак орзусига айланди. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида кўп станоклилик ҳаракатига қўшилган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу ҳаракатда қатнашишга жазм этган 1675 тўқимачи орасида Муҳаббат Мирзараҳимова, Шарофат Орифжонова, Мукаррам Йўлдошева, Шаҳзода Ўроловалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири белгиланганидан 500—600 тадан кўп урчуқни бошқаряпти.

Ҳозирги пайтда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иш жойида қатъий тартиб ўрнатиш йўли билан юксак меҳнат самарадорлигига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Биз шу иса-кувдуада коллективимизнинг ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун 8071 тонна ип йигириш, 54 миллион 540 минг метр ҳом мато, 66 миллион 595 минг метр тайёр газлама ишлаб чиқариш юзасидан олган социалистик мажбуриятини бажариш учун барча имконият ва резервларни ишга солмоқдамиз.

Байрамга меҳнат совғалари билан келиш халқимизнинг азалий анъанаси. 8 Мартни ҳам республикамиз меҳнаткашлари улкан бунёдкорлик ишлари билан кутиб олдилар. Бу муваффақиятларда худди шу баҳор байрамининг сабабкорлари — ишлаб чиқариш илғорлари, жамоат ва оила ишларининг жонкуярлари бўлган хотин-қизларимизнинг ҳиссаси каттадир.

Суратларда: 1. Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозининг сигир соғувчилари М. Рустамова (чапдан), З. Содиқова ва М. Носировалар. Улар социалистик мусобақада юқори меҳнат натижаларига эришмоқдалар. 2. Урганч тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси М. Шарипова.

**А. ТУРАЕВ ва Ж. ТУРАЕВ** фотолари.

## ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР

* Совет хотин-қизлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар. Аёллар Совет Иттифоқида халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Колхоз аъзоларининг эса 47 процента хотин-қизлардир.

* Ватан Узбекистон хотин-қизларининг меҳнатини муносиб баҳоламоқда. Ишлаб чиқаришдаги катта муваффақиятлари учун 69 мингдан кўпроқ хотин-қиз орден ва медаллар билан мукофотланди. Улардан 115 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

* Узбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида 178 хотин-қиз бўлиб, улар жами депутатларнинг 35 процентини ташкил этади. КПСС сафида хотин-қизлар муттасил кўпайиб бормоқда. Ҳозир улар 121 минг кишига етди.

* Мамлакатимизда таълим-тарбия иши билан шуғулланувчиларнинг аксарияти хотин-қизлардир. Ўқитувчиларнинг асосий қисми аёллар ҳисобланади, мутахассисларнинг 59 проценти, илмий ходимларнинг 40 проценти хотин-қизлардан иборат.

* Бугунги кунда республикамизнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётида хотин-қизлар меҳнат қилмаётган соҳани топиш қийин. Халқ хўжалигидаги ходимларидан 42 проценти ёки 2 миллион киши аёллардир. Шу жумладан, саноат ходимларининг 47 процентини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

* Ҳозир серқуёш ўлкамизда тўрт ва ундан кўп бола тарбиялаётган 2 миллион 700 минг она бор. 10 ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган 80 минг хотин-қиз Қаҳрамон она унвонига сазовор бўлган.

* Меҳнаткаш хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда соғломлаштириш мақсадларини кўзлаб касаба союзларининг санаторий, профилакторийлари кўпайтирилмоқда. Республикадаги 900 та ана шундай шифохонада 300 мингдан кўпроқ киши ўз соғлиғини мустаҳкамлаётир.

ШОГИРДЛАР — УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

## САНЪАТКОР БАХТИ

Тошкентдаги хореография билим юртида ўқиб юрган кезларимда «Баҳор» давлат рақс ансамблида ҳам қатнашар эдим. Узоқ гастролларга чиққан пайтларимизда Мукаррама опа кўпинча биз — ёш раққосаларни ёнларига чақириб оларди. Сочларимизни қирқ қоқил қилиб ўриб ўтириб, ўтмиш воқеалари, ўзининг машаққатли ёшлик йилларини халқ қўшиғини айтаётгандек сўзлаб берарди. Ҳа, санъаткор хотин-қизлар учун нақадар оғир кечган у вақтлар...

Мукаррама опанинг ғамқайғуга эзгу армон уйғунлашган бу хотиралари ҳамон ёдимда. Яқинда, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Жамила образини яратаётганимда бу ҳикоялар катта ёрдам берди. Шу муносабат билан у кишининг санъат ва ҳаётда ҳам устоз, ҳам она сифатидаги ажойиб фазилатларини кўп эсладик.

Бундай фазилатлар порлоқ хотиралари қалбларимизда абадий сақланиб қолган СССР халқ артисти М. Турғунбоевагагина эмас, барча онахон санъаткорларимизга хосдир. Буни Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри коллективида ишлаётган ҳар бир артист яхши билади. Чунки, бизлар янги образ устида ишлаётганимизда ёки коллективнинг янги асарни саҳнага олиб чиқиш жараёнидаги машаққатли изланишларида онахонларимиз ўзларининг бой ижодий ва ҳаётий тажрибаларини аямайдилар. Биз қандай ролни ўйнаётганимиздан қатъи назар қаҳрамон ва асар руҳини бутун вужудимизга сингдиришни, ҳар бир сўз қалбимиз қўри билан уйғунлашишини талаб қиладилар ва ўргатадилар. Улар яратган ҳар бир образ эса бизлар учун ҳамиша катта ижод мактабидир. Аслида улар ҳаётда ҳам шундай. Бизнинг қувонч ва ташвишларимизни доимо баҳам кўришади.

Бу ҳаётбахш анъана театримиз ташкил этилган йиллардан буён яшаб келмоқда. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреатлари Замира Ҳидоятова, Зайнаб Садриева, Холида Хўжаева, Икрома Болтаева бугунги кунда ана шу анъанани янада бойитиб, ҳам устоз, ҳам артист сифатида ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар.

Устозларимиз — сизлар саҳнамиз ва ҳаётимиз файзи, суянган тоғларимиз, азиз онажонларимизсиз. Санъатимиз ва шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинглар. Саҳнамиз ва уйимизнинг тўри доимо сизларники.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.**

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

## ХАТО ҲАҚИДА

Кимдандир айб ўтди, хато сўз айтди,
Айтишдим, сўнг хато нетди қалашиб,
Биз йўлнинг ярмида айрилдик, қайтдик
Қайтдик йўқ нарсалар учун талашиб.

Кимдир хато қилди, эрми ё хотин —
Сўнг қўшиларди хатолар қўш-қўш.
Сўнг ҳувиллаб қолди хонадон бир тун —
Икки юрак қолди ҳувиллаб, бўм-бўш.

Илк хато, сўнг келар ҳижрон, ўлим, тиг
Бевақт бебахт қолиб не бегуноҳ жон.
Балки бу дунёда улуғдан улуг
Ўзин илк хатодан тиёлган инсон.

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

## МЕН—ҚАТРАМАН

Мен — қатраман, нур ичаман
бобо қуёшдан,
Ярлқанман ўтли ҳиссдан,
ўтли бардошдан,
Эриб битмам, иродам зўр,
ҳаттоки, тошдан,
Мен — қатраман.

Водийлардан, саҳролардан
нуйлаб ўтарман,
Шул йўлларда муҳаббатим
сўйлаб ўтарман,
Яшагайман, лоқайдликнинг
юкин кўтармай,
Мен — қатраман.

Курашларда камол топар
менинг орзуйим,
Курашларда нурланади қўшиғим, куйим.
Яшагайман, яшамоқни дил-дилдан суйиб,
Мен — қатраман.

Қатра бўлиб сингмоқлинда —
менинг иродам,
Қатрадек наф келтиролсин
ҳар битта одам,
Қатраларда акс этади, ахир, кенг олам,
Мен — қатраман.

Қатра бўлиб интиламан ўтли дунёга,
Юксакликнинг эзгу орзу томон йўл олган —
Қатра бўлиб қўшилгумдир улкан дарёга,
Мен — қатраман!

**Маҳбуба ХАННОВА.**

ЮТУҚЛАРИМИЗ — ВАТАНГА

**Халқ хўжалигимизда хотин-қизлар меҳнат қилмаётган ҳеч бир соҳа йўқ. Улар меҳнати билан экономикамиз юксак, ҳаётимиз чароғон. Сўз ана шундай шонли қизларимизнинг ваниллари — ишчи ва олимага.**

## ДАҚИҚАЛАРНИ ҚАДРЛАБ

Яқинда фабрикамиз халқ назоратчилари иш вақтининг бошланиши юзасидан текшириш ўтказдилар. Натижада шу куни 67 киши икки минутдан 20 минутга қадар кечикиб келганлиги аниқланди. Текшириш якунлари цех ва бригадаларнинг йиғилишларида жиддий муҳокама қилинди. Юзаки қараганда, 2—3 минутлик фурсат арзимас нарсадек туюлади. Лекин фабрикамизда ҳар минутда 100 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобга олганда-чи?

Биз шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида интизомни янада мустаҳкамлаш юзасидан қўйилган вазифаларни бажаришга катта аҳамият бермоқдамиз. Натижада ҳозир корхонамизда прогулчиликка чек қўйилди. Чевар қизларимиздан Фотима Холматова ва Лилия Кимлар вақтдан ўзиб ишлаётганлар орасида байроқдорлик қилишаётир. Уларнинг меҳнат календарида 1986 йилнинг май ва март ойи. Ўзим ҳозир 1985 йилнинг февраль ойи ҳисобига ишлаяпман.

**Г. БЕКБЎЛАТОВА,**
**Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористи.**

## БИОЛОГИК УСУЛ САМАРАСИ

Бундан ўн йилча бурун Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» колхози далаларида зараркунандаларга қарши биологик йўл билан курашни бошлаган эдик. Натижа кутилганидан зиёда бўлди. Лаборатория шароитида кўпайтирилган энтомофаглар ўргимчеккана, кўсак қурти ва бошқа ҳосил кушандаларини йўқотишда жуда қўл келди. Натижада орадан бир неча йил ўтиб Оқдарё районида янги ташкилот — хўжаликлараро ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вужудга келтирилди. Бу бирлашма қисқа муддат ичида олимларнинг илмий хулосаларини ишлаб чиқаришга татбиқ эта бориб, катта натижаларга эришди. Ҳозирги пайтда район хўжаликларидаги ўн минглаб гектар экин майдонлари биологик усулда ҳимоя қилинмоқда.

**Ц. БРОНШТЕЙН,**
**Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири.**

ТАНИШИНГ: ЖАНГОВАР ТАШКИЛОТЧИЛАРИМИЗ

## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

**„Мендан кўпинча цехингиз ютуқларга қандай эришяпти, — деб сўрашади. Ҳамиша биз тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, ижодий ишлашга интилляпмиз, холос, деб жавоб бераман».**

**(Л. Новоселецкая билан суҳбатдан).**

Ленинград технология институтий тугатаётган Новоселецкаяга мамлакат марказий районларида ишлашга тайёргарлик кўраверишни айтишди. У бўлса тақсимот комиссияси аъзоларидан Навоий шаҳрига йўлланма беришларини сўради. Буни эшитган курсдошларидан бири таажжубланди.

— Люда, эсингни еди-нгми? Марказда ишлаш ҳар кимнинг ҳам чекига тушавермайди-ку. Сенинг ўрнингда бўлганимда жон-жон, деб розн бўлардим.

— Навоийдан бўлганингда бундай гапларни айтмасдинг.

— Тўғри, туғилган жой кишини ўзига тортади, — деб давом этди дугонаси.— Аммо марказ барибир марказ-да. Ҳам яхши ишлайсан, ҳам барча шароит мавжуд...

Шундай қилиб, катта имкониятлардан воз кечган Людмила Петровна «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз хоҳиши билан иш бошлади. Икки йил бурун эса, яна шунга ўхшаш насиҳатларга қарамай, у бирлашма бошқармасидан ацетилен цехида ишлашга ўтди.

Цех ишчилари асли бухороликлар бўлган бу қизни актив жамоатчи ва бошқарма бошлағиғи партия ташкилотининг жонкуяр секретари сифатида яхши таниш эди. Шунинг учун ҳам улар Новоселецкая ўзлари билан бир неча ой ишлаган бўлса-да, цех партия ташкилотининг секретарлигига сайлашди. Албатта, янги секретарь цех аҳволи билан яхши таниш эди. Коллектив топшириқларни муттасил бажармас, фақат кейинги ойлардагина меҳнат унумдорлиги бир мунча кўтарилган эди. Тартиб-интизом бўшлигидан ремонт чўзилиб кетар, унинг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмасди. Цех биноси, асбоб-ускуналарнинг ифлослиги, қоп-қоралиги билан ажралиб турарди. Аслида ҳам ана шу қурумнинг кўплиги ишнинг сифати пастлигидан нишона эди.

Худди шу масала дастлабки партия йиғилишидаёқ кун тартибига қўйилди. Цех механиги Владимир Коваленко капитал ремонт ишларининг борыши ҳақида ҳисобот берар экан, ҳамма нарса кўнгилдагидек бораётир, деган мазмунда юзаки, таҳлилсиз гапирди.

Одатда, бундай маърузадан кейин коммунистлар навбатма-навбат сўзга чиқишар, кимлардир танқид қилинар, ишни жадаллаштиришга оид таклифлар киритилар ва буларнинг ҳаммаси қабул қилинган қарорда ифодаланиб қолаверарди. Цех партия ташкилотининг олий органи бўлган умумий йиғилишнинг коллектив ҳаётига таъсири шу тарика сезилмасдан ўтиб кетаверарди. Бу галги йиғилиш ҳам шу руҳда давом этаётганда Новоселецкая сўз олди.

— Мен цехлаги ускуналар тузилишини яхши билмасам ҳам бундай ҳисоботдан қониқмадим. Жуда енгил-елпи тайёрланибди. Унда на таҳлил бор, на танқид. Бажарилган ишлар ҳам атрофлича кўрсатиб берилмаган, Сўзга чиққанларнинг гапи ҳам умумий тарзда бўлди. Коваленконинг ҳисоботини навбатдаги йиғилишда қайтадан эшитишни таклиф қиламан.

Коммунистларнинг кўпчилиги бу таклифга қўшилишди. Лекин улар ҳам кўнглида шу нарса зарурмикин, деб иккиланиб туришарди. Ахир, қайта-қайта йиғилиш ўтказган билан ремонтни барвақт тугатиб бўлмайди-да.

— Келгуси ишимизнинг натижаси капитал ремонт билан боғлиқлиги ҳаммамизга яхши маълум, — деб давом этди Новоселецкая. — Бунда демакки, партия ташкилоти билан биргаликда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши керак.

Шундай қилинди. Навбатдаги партия йиғилишида Коваленко қайтадан ҳисобот берди. Унинг фикрлари мантиқли, мулоҳазали ва танқиди асосли эди. «Ҳали ремонт ишларини сифатли бажариш учун кўп иш қилиниши лозим» — деди докладчи. Буни Коваленкодан кейин сўзга чиққан коммунистлар ҳам таъкидлашди. Иш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида жиддий ва жон қуйдириб гапиришди. Чунки улар сўзлари қоғозда қолиб кетмаслигича, ишни яхшилашга таъсир кўрсатишига амин эдилар.

Йиғилишда билдирилган истак-мулоҳазалар асосида ҳар бир бригада зиммасига конкрет вазифалар юкланди. Уларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилди. Натижада созлаш ишлари кўнгилдагидек ўтказилиб, цех илк кунлардан бошлаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Шундан буён цехда партия йиғилишлари ишчан ва танқидий руҳда ўтади. Уларга коммунистлар масъулият билан тайёргарлик кўришади. Эндиликда цехдаги 18 коммунистнинг ҳаммаси шахсий топшириққа эга. Цех бошлиғи В. Кансенга комсомол-ёшлар, бўлим бошлиғи Н. Дзюбага касаба союз, слесарь Р. Валиевга халқ контроли группаси, цех партия ташкилоти секретарининг ўринбосари А. Чукуровага сиёсий-тарбиявий ишлар билан шуғулланиш топширилган.

Цехда сиёсий-иқтисодий ўқув юқори савияда ўтмасди. Шунда Новоселецкая идеология ишининг бу муҳим соҳасида жонлантиришни ўз зиммасига олди. Албатта, унинг бу борада муайян тажрибаси ҳам бор эди. Бошқармада ишлаб юрган пайтлари агитаторлик қилган, турли хилдаги кечаларни ўтказишда қатнашган.

— Тингловчилар рўйхатини ўрганиб чиқаётиб, — деди у партбюрода, — уларнинг турли сменада ишлашлари эътиборимни тортди. Машғулотлар эса биринчи сменадан кейин ўтказилар экан. Келинглар, унинг юксак савияда ўтишини йўлга қўйайлик.

Бюрода тингловчиларни группаларга бўлиб чиқишга қарор қилинди. Ҳар бир группа соати ва сменаларнинг алмашинишига қараб машғулотлар ўтказиш графиги белгиланди. Новоселецкаянинг ўзи бўлса, машғулотларга пухта тайёрлана бошлади. Цех ишлаб чиқарили кўрсаткичлари билан чуқур танишди.

Илгарилари Бухорога боргудек бўлса, сумкасини бадиий адабиётларга тўлдириб қайтадиган қизи эндиликда техник адабиётларга рўжу қўйганлигини кўрган онаси бунинг сабабини суриштириб қолди.

— Цехда машғулотлар ўтказишга керак бўлади, — деди Людмила. — Ўттиз тингловчи орасида олий маълумотлилар ҳам бор. Улар техник масалалар бўйича саволлар берганида қизариб қолмаслигим керак.

У машғулотларга шу тарика пухта тайёрланарди. Кўргазмали қуроллардан, диафильмлардан ўз ўрнида фойдалана биларди. Шу сабабли тингловчилар ҳамиша тўлиқ тўпланишар, ҳатто ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган баъзи муаммолар аудиториянинг ўзида ҳал этиладиган бўлиб қолди.

Ацетилен цехида иш унумдорлиги сезиларли ўсганлиги, маҳсулот сифати яхшиланганлиги бирлашмадаги йиғилиш ва тантаналарда алоҳида эътироф этилда бошланди. Ҳозирги пайтда у «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги энг яхши цехлардан бири.

Йиллик топшириқ муддатидан барвақт бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан цехда ишлаб чиқариш қуввати 17 процент ошиб, анча ҳом ашё тежаб қолинди. Ҳа, муваффақиятлар салмоқли. Меҳнат мароми кун сайин юксалаяпти. Бу ютуқларга эришишда цехнинг 170 ишчиси сингари инженер-химик Людмила Петровнанинг ҳам ҳиссаси бор.

— Ўтган йили ацетилен цехида слесарь Шавкат Алтенов — КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди, — дейди бирлашма партия комитети секретарининг ўринбосари В. Веденева. — Унинг партком мажлисида КПСС Программаси, Устави, партия ҳаётидаги янгиликларга доир саволларга жуда яхши жавоб берганлиги ҳаммамизнинг диққатимизни тортди.

Шунинг ўзи ҳам Новоселецкаянинг ташкилотчилигидан, жонкуярлигидан бир далолат.

Шаҳар партия комитетидагилар ҳам бу фикрни маъқуллашди.

— Мисол учун бир факт, — дейишди улар. — Ўтган йили Новоселецкая мудирлик қилган агитпункт Навоий шаҳри бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Албатта, цехда партиявий-ташкилий ишлар ҳар томонлама кўнгилдагидек боряпти, деб бўлмайди. Камчиликлар ҳам бор. Лекин энг асосийси — цехда уларни тезроқ бартараф этиш ва муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун ташаббускорлик, изланиш муҳити ҳукм сураётир. Цехнинг лойиҳадаги қувватда ишлай бошлаганлиги бунинг энг биринчи далолати, муваффақият сари дастлабки қадамлардир.

**А. ҚОРЖОВОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

Навоий область.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари—ҳаётга*

# ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Паррандачиликни етти хазинанинг бири, дейди халқимиз. Афсуски, тухум ва парранда гўшти етиштириш соҳасида эришилган ҳамда эришилаётган кўрсаткичлар меҳнаткашларнинг ана шу муҳим истеъмол маҳсулотларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳали тўла қондира олмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларида чорвачиликнинг бошқа тармоқлари сингари, паррандачиликда ҳам ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар борлиги, бу тармоқни янада интенсив тараққий эттириш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги жуда ҳақконий таъкидлаб ўтилди. Бу бевосита бизнинг йирик паррандачилик фабрикамиз фаолиятига ҳам тегишлидир, албатта.

Мен ушбу фабрикада узоқ йиллардан буён паррандабоқар-оператор бўлиб ишлаб келмоқдаман. Корхонамиз ишга тушгандан буён ўтган йигирма йиллик тараққиёт йўли, ютуқ ва камчиликлари, ечимини кутаётган муаммолар менга беш қўлдек аён. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кадрлар етарли, улар уй-жойлар билан тўла таъминланган. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми ҳам жойида. Коллективимиз то 1980 йилгача республикадаги турдош корхоналар ўртасида ҳамиша пешқадамлик қилиб келди. Ўнинчи беш йилликда тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан тухум тайёрлаш ва парҳез гўшт етиштириш 2,5—3 баравар кўпайди. Ютуқларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи ҳамда фахрий дипломи билан муносиб тақдирланди, 1980 йилнинг тўртгала кварталида ҳам Бухоро область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқларини олиб турдик.

Бироқ, биз ана шу ютуқларни 1981—1982 йилларда ўз қўлимизда маҳкам сақлаб қола олмадик. Ўтган йили парранда гўшти тайёрлаш плани 33 тоннага ошириб ўдаланган бўлса-да, тухум тайёрлаш плани атиги 70,2 процентда қолиб кетди, ёки кўзда тутилганидан қариб 10 миллион дона тухум кам ишлаб чиқарилди.

Хўш, нега шундай бўлди? Ютуқлардан, мақтовлардан эсанкирадикми, раҳбарларимиз, мутахассисларимиз оқсаб қолишдими? Коллектив ўртасида масъулиятсизлик, бепарволик ёки интизомсизлик рўй бердими? Йўқ, асло бундай бўлган эмас. Фабрикани қолоқликка тортаётган объектив сабабларни келтириш билан ўзимизни оқламоқчи ҳам эмасмиз. Лекин, халқимизда «қарс икки қўлдан» деган ҳикматли ибора ҳам борки, унинг маъзини чаққанда, гапнинг бир учи Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзптицепром» бош Бошқармаси ва республика Қишлоқ қурилиши министрлигининг баъзи мутасадди раҳбарларига ҳам бориб тегади, албатта.

Ўртоқ Ю. В. Андропов нинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган сермазмун нутқида давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми барчага баб-баравар аниқ эканлиги алоҳида таъкидланган. Фабрикамизни қолоқликка судраётган сабаблар 1978 йилдан буён то ҳозирга қадар ечилмай келаётган, юқори ташкилотларнинг ёрдамига чамбарчас боғлиқ проблемаларга бориб тақалади. Бу проблемаларни ечиш айни кунларда ва келгусида фаолиятимиз учун ҳам ҳаво ҳамда сувдек зарурлиги туфайли, улар ҳақда очиқ-ойдин фикрлашмоқчиман.

Фабрикамиз аслида 100 минг товуққа мўлжаллаб қурилган эди. Орадан ўн йил ўтгач, 1972 йилда товуқхона корпуслари кенгайтирилиб, 200 минг товуқ боқиладиган даражага етказилди. Ўшанда товуқ боқиладиган «ОБН-1», «КБУ-3» маркали механизациялашган батареялар ўрнатилган эди. Технологик режим бўйича бундай батареяларни узоғи билан 5.5—6 йилда янгилаш лозим. Шунга кўра фабрика цехларидаги барча эскирган, илдан чиққан батареялар 1978 йилда янги хил «БКМ-3», «БКН-3» ва «КБУ» маркали автоматлашган, универсал батареяларга алмаштирилиши кўзда тутилган эди. Бу вазифани асосан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан «Ўзптицепром» бошқармаси амалга оширишлари, фабрикага эндлик билан янги хил ускуналар келтириб қайта қуроллантиришлари кутилганди.

Аммо, шундай бўлиб чиқмади. Тиннимсиз ёзишмалар, талабномалар, ташкилотма-ташкилот югуришлар ҳеч фойда бермади. Қайта ускуналаш иши орқага сурилиб кетаверди. Эски ускуналар ойдан ойга, йилдан йилга қувватини йўқотиб, улар учун эҳтиёт қисмлар йўқлиги сабабли сафдан чиқаверди. Натижада 200 минг товуқ, бир неча юз минг зотли жўжалар сақланаётган цехларда технологик режим бузилди, паррандаларни озиқлантирувчи механизмлар, занжирли-конвейерлар бузилиб, тез-тез тўхтаб қоладиган, корпуслар ҳавоси ёмонлашиб, товуқлар касалликка чалинадиган бўлиб қолди.

Бунинг устига, фабрикада ёрдамчи электр узатиш линияси йўқлиги сабабли, 10—15 соатлаб электр энергиясисиз қолиб кетилди. Энергия узилиб қолган даврда эса, паррандаларни на озиқлантириб, на суғориб бўлади. Ҳатто, эмлаш ва профилактик тадбирлар ҳам тўхтайди. Цехлар вентиляцияси ишламайди. Натижада паррандаларнинг суткалик семириши, ўсиши, тухум қилиши, турли хил касалликларга чидамлилиги сусайиб кетди. Энг ачинарлиси, товуқлар сони камайиб, маҳсулдорлиги пасайди.

Фабрикада аҳвол ёмонлашгач, ниҳоят 1982 йилнинг иккинчи кварталидан янги хил технологик ускуналар келтириш бошланди. Ускуналар монтажини ўз зиммасига олган 20-«Бухароаблсельстрой» трести эса, жуда сусткашлик қилянти. Товуқлар боқиладиган 21-корпус тўрт ой нечиқириб фойдаланишга топширилди. 19-корпусдаги монтаж эса олти ойдан буён судралмоқда. Ҳозирга қадар зўрга 4 та цехда ускуналаш алмаштирилди, яна 6 та цех навбат кутиб турибди.

Шунга қарамасдан меҳнатсевар коллективимиз область партия комитетининг яқиндан туриб бераётган катта ёрдами туфайли мавжуд эски ускуналарни маҳаллий шароитда қайта созлаш, жорий ремонт қилиш билан фабрика қувватидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Камайган паррандалар ўрнини Россия Федерациясидан соғлом тухум келтириб, ўз инкубаторилримизда жўжа очириш орқали тўлдирямиз. Ўн биринчи беш йилликнинг ўзаги бўлмиш 1983 йилда тухум тайёрлашни 35 миллион донага, парранда гўштини эса 900 тоннага етказишга қарор қилдик. Шунга яраша барча цехларда социалистик мусобақани янада қизитиб меҳнат қилямиз. Январь ойи топшириқларини яхши кўрсаткичлар билан адо этдик. Давлатга икки миллион донадан кўпроқ тухум, 50 тонна парранда гўшти етказиб берилди. Рўзихол Жўраева, Раҳбой Бозорова, Ҳидоят Тўраева, Зайнабхон Шарипова сингари тадбиркор ва жонкуяр паррандабоқар-операторларимиз кунлик иш нормаларини 110—130 процентга етказиб бажаришяпти. Улар ўз боқимларидаги товуқлардан пландаги 180 та ўрнига 205—206 тадан тухум олишга эришмоқдалар.

Яқинда, фабрикамизда яна бир хушхабар тарқалди. Директоримиз Муҳаммаджон Аҳмедов Тошкентдан фабрикани 1983—1985 йилларда реконструкция қилиб, ишлаб чиқариш қувватини 200 мингдан 500 минг бош товуққа етказиш бўйича лойиҳа-ҳужжатларни олиб келди. Корхонамиз реконструкциядан сўнг ҳозиргига нисбатан 2.5 баравар кўп тухум ва парранда гўшти етиштирадиган бўлади. Аммо унгача юқорида келтирилган нуқсонларни тугатишга ҳам зудлик билан киришилиши лозим. Мутасадди ташкилотлар план ва давлат интизомига қатъий риоя қилиб, ўз вазифаларини сидқидилдан бажарсалар, фабрикамиз паррандабоқарлари ўз навбатида мамлакатимизда Озиқ-овқат программасининг тез фурсатларда амалга оширилишига янада баракалироқ ҳисса қўшаверадилар.

**Бибишой ҲАЙДАРОВА,**
**Бухоро область Когон районидаги «Бухоро» паррандачилик фабрикаси товуқбоқар-оператори, коммунистик меҳнат зарбдори.**

## ТЎҚИМАЧИЛАР ШАЪНИГА ҚАСИДА

Ўлкамизда тўқимачилик пахтакорлик касби каби қадимий ва ардоқли. «Ўроқ ва Болға» ҳамкорлиги эса боқийдир:

Тўқимачи пахтакорнинг
эгачиси, синглиси,
Йигит бўлса оғасидир,
қайлиғидир, ёридир.
Қиёс қилинг, Ўзбекистон
афсонавий бир дутор,
Пахта битта тори бўлса,
чит иккинчи торидир.

«Зангори экран» мухлислари кеча Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқимачилик комбинати кўп минг кишилик коллективининг бунёдкорлик меҳнатини шарафлашга бағишланган телекўрсатувни томоша қилдилар. Марҳамат Йўлдошева, Лидия Казанцева, Буолма Жўраева каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини, яна кўплаб донгдор тўқимачиларни етиштирган бу қутлуғ даргоҳ келаси йили дастлабки газлама тайёрлаб чиқарила бошлаганлигининг 50 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон телевидениесининг корхона коллективи шонли тарихи, ажойиб меҳнат анъаналарига бағишланган «Чит базми» кўрсатуви тўқимачилар шаънига қасидадир.

Тошкент области. Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг сигир соғувчиси Саодат Маматкаримова Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Мартни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олди. У ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили дастлабки квартали учун олган топшириқларини шараф билан бажарди. У бу йил 42 бош сигирнинг ҳар биридан 4500 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилган. Суратда: С. Маматкаримова.

А. Тўраев фотоси.

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## ТИНЧ ОСМОН УЧУН

Халқаро хотин-қизлар куни 8 Март — планета илғор жамоатчилигининг ҳаётидаги муҳим санадир. Ер юзининг турли мамлакатларида, турли томонларда бу байрам ҳар хил нишонланади. Социалистик давлатларда хотин-қизлар янги жамият қурилишининг тенг ҳуқуқли ва актив иштирокчиларидир. Улар турмушнинг барча соҳаларида муҳим роль ўйнамоқдалар, эркаклар билан баб-баравар заводлар ва фабрикаларда, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқдалар, илм-фан ва санъатда ижод этмоқдалар.

Масалан, ёш социалистик мамлакатлардан бири — Кубада ишловчиларнинг 35 проценти хотин-қизлардан иборат. Озодлик оролида биринчи шакарқамиш йиғиштирувчи комбайнларнинг ҳайдовчилари Альба Портнелес ва Мария Элена Гонсалеснинг, донгдор лоцман Оркидея Переснинг, машҳур балерина Алисия Алонсонинг, ёзувчи Дора Алонсонинг номлари бутун мамлакатга машҳурдир. Ўз сафларида 2,5 миллион кишини бирлаштирган Куба хотин-қизлари федерацияси республика хотин-қизлар ҳаракатининг авангардидир.

Капитал мамлакатларида меҳнаткашлар 8 Март кунини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари учун, кескинлашиб кетаётган иқтисодий танглик оқибатларини корхона эгалари аҳолининг энг ночор табақалари эммасига юклашга уринаётганликларига қарши курашни кучайтириш билан кутиб олмоқдалар. АҚШ, Англия, Канада ва Ғарбдаги бошқа давлатларда ўтказилаётган митинглар, жамоатчилик йиғилишларида капиталистик мамлакатларда хотин-қизлар аҳолининг ҳамон энг кўп эзилаётган қисми бўлиб қолмоқда. Капитализм шароитида хотин-қизлар жамиятда эгаллаган ўз мавқеи сабабли ҳам таҳқирланмоқдалар. Чунончи, уч мингтадан кўпроқ шаҳар ва посёлкаларнинг биронтасида ҳам хотин-қизлардан ҳоким ёки бошлиқ йўқ. АҚШда эса конгрессдаги 100 сенатордан атиги икки нафари аёлдир.

Аммо 8 Март куни хотин-қизларнинг иқтисодий, социал ва гражданлик ҳуқуқлари учун кураш кунигина эмас, оналар Рейган маъмурияти авж олдириб юборган мисли-сиз қуролланиш пойгаси натижасида планетанинг ҳозирги ва келгуси авлодлари бошига уйғ пайдо бўлган, курраи заминни ядро ҳалокати жаҳаннамига ағдариб ташлаш таҳдидини вужудга келтираётган уруш хавфини айниқса кескин ҳис этмоқдалар.

Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш — инсоният олдида турган асосий вазифадир. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси президенти Ф. Браунниг сўзларига кўра, бу йил 8 Март куни «Ядро урушига — йўл йўқ!», «Америкаинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилишига йўл қўймаймиз!» шиорлари остида нишонланади.

**В. МАЛИШЕВ.**
(ТАСС).

## САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

БОНН, 7 март. (ТАСС). Дастлабки расмий маълумотларга кўра, кеча ГФРда бундестагга муддатидан илгари ўтказилган сайловда консерватив ХДС-ХСС партияларининг ҳукумат блоки сайловчиларнинг 48,8 процент овозини олди (1980 йилда ўтказилган аввалги сайловда 44,5 процент овоз олган эди). Сиёсий кузатувчиларнинг фикрига кўра ХДС-ХСС вакилларидан ҳукумат тузиш учун шу натижа кифоя қилади.

Овозларнинг 38,2 процентини олган Социал демократик партия (ГСДП) мағлубиятга учради (1980 йилда бу партия 42,9 процент овоз олган эди).

6,9 процент овоз олган эркин демократик партия (ЭДП) бундестагда ўз депутатларига эга бўлиб қолди. (1980 йилда 10,6 процент овоз тўплаган эди).

Янги сиёсий гуруҳ — «Кўклар» партияси 5,6 процент овоз олиб, биринчи марта парламентда ўз вакилларига эга бўлади. Бу партия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш шиорлари остида иш кўриб, ГФР территориясида Америкаинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталари жойлаштирилишига қарши чиқмоқда.

Шундай қилиб бундан буён бундестагда тўртта эмас, балки бешта сиёсий партиянинг вакиллари бўлади.

## УХВМ ДОИМИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ПЕКИН, (ТАСС). Синьҳуа агентлигининг хабар қилишича, бу ерда бешинчи чақириқ Умумхитой халқ вакиллари мажлиси доимий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда ХХР Давлат Кенгаши бош министри Чжао Цзяннинг Африкадаги бир қанча мамлакатларга қилган сафари якунлари тўғрисидаги доклади тингланди.

Мажлисда УХВМ Доимий Комитетининг раиси Е Цзяньнинг олтинчи чақириқ УХВМга шу йил ўтказиладиган сайловда Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг депутатлигига ўз номзоди кўрсатилмаслигини илтимос қилиб ёзган хати кўриб чиқилди. Бу илтимос қондирилди.

## ДАВОЛАМАЙДИГАН ДОРИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 7 март. (ТАСС муҳбири). Нью-Йорк фонд биржасида «Жонсон энд жонсон» фармацевтика корпорациясининг акциялари билан савдо қилиш тўхтатиб қўйилди.

Фармацевтика корпорацияси, деб хабар қилади газеталар, ўзининг оғриқни қолдирадиган «Зомакс» препаратини дорихоналардан йиғиштириб олишга ихтиёрий қарор қилди. 1980 йилда бозорга чиқарилган бу дори ўшандан бери 5 кишининг ёстиғини қуритди ва тахминан мингдаб кишиларнинг соғлиғига зиён етказди, бир қанча ҳолларда эса оғир «таъсир кўрсатди», деди озиқ-овқат ва дори-дармон сифати масалалари билан шуғулланувчи федерал бошқарманинг вакили.

## СОЦИАЛИЗМ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

**● СОФИЯ**

Болгария хотин-қизлари энг шодиёна байрамлардан бири — Халқаро хотин-қизлар кунини меҳнатда катта ғалабалар билан кутиб олмоқдалар. Ҳозир БХР хотин-қизлари мамлакат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида актив ишламоқдалар. Масалан, шуни айтиш кифояки, илм-фан соҳасида 50 процентдан кўпроқ хотин-қизлар, маориф ва маданият соҳасида 70 процент хотин-қизлар ишламоқда. Жамоат ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг ярмини ҳам хотин-қизлар ташкил этади.

**● БЕРЛИН**

ГДРда малакали мутахассис, конструктор ва олим хотин-қизлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, республиканинг корхоналарида ҳар 9 нафар мастернинг бири аёлдир. Давлат хотин-қизлар меҳнат шароитларини яхшилашга катта эътибор бермоқда, ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг анча қисмини ўз зиммасига олмоқда. Мамлакатда болалар боғчалари ва яслилари, мактаблар қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда.

**● БУДАПЕШТ**

Новаторларга ҳамма чоралар билан ёрдам бериш, хом ашё ва энергиядан рационал фойдаланиш учун кураш, янги технологик жараёнларни дадил жорий этиб бориш — Венгрияда энгир толага ишлов берадиган энг катта бирлашма «Будафлакс» меҳнаткашларининг шиори эмас, балки кундалик фаолиятининг нормасидир. Бирлашма социалистик меҳнат бригадаларининг саккизинчи март байрами арафасида бўлиб ўтган кенгашида шу ҳақда гапирилди.

«Будафлакс» дирекцияси ва касаба союз ташкилоти хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари ва яхши дам олишлари учун шароитлар яратишга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Бирлашмада меҳнаткаш аёлларнинг ижодий активлиги муттасил ўсмоқда. Ҳар йили уларнинг ташаббуси билан 500 тага, яқин рационализаторлик таклифлари жорий этилмоқдаки, бу таклифлар корхонага миллион-миллион форинт фойда бермоқда.

(ТАСС).

## АНЖУМАН ОЧИЛДИ

ДЕҲЛИ, 7 март. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтида қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VII конференцияси тантанали равишда очилди. Ҳиндистон Бош министри, қўшилмаслик ҳаракатининг ҳозирги раиси Индира Ганди конференция қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлади.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● КУАЛА ЛУМПУР.** Малайзия аҳолиси 14 миллион 115 минг 763 кишидан иборат, дейилади ижтимоий фанлар департаментининг бу ерда эълон қилинган ахборотида. Ҳозирги ўсиш суръатларида 1990 йилга бориб мамлакат аҳолиси 18 миллион кишига етади.

**● НЬЮ-ЙОРК.** Сифатсиз маҳсулот чиқарганлиги учун АҚШнинг яна бир катта автомобилсозлик корпорацияси диққат марказига тушиб қолди. «Форд мотор» вакиллари компания узатма қутиси ярамайдиган 140 минг машинани ремонт қилиш учун заводга қайтаришга мажбур бўлганлигини хабар қилдилар.

Тинч океанининг шимоли-ғарбий қисмидаги катта районда Япония қуролли кучлари ҳаракати доирасини кенгайтириш планлари мавжуд. Бу ерлар Япония қирғоқларидан анча узоқда жойлашган.

(Матбуот хабарларидан).




Пуч ёнғоқ қўйнида.

Б. Жуков чизган расм.

## «ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

### «ШАХСИЙ ЁРДАМ»ГА ДАЎВАТ

АҚШ маъмурияти 1984 йил Лос-Анжелесда ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинларига давлат хазинасидан пул ажратиш ниятида эмас. Президент Р. Рейган шу шаҳарда нутқ сўзлаб бу гапни айтди. У американликларга мурожаат этиб, «шахсий ташаббус» кўрсатишга, АҚШ олимпиада ташкилий комитетининг фондига «эҳсон»лар беришга даъват қилди. Маълумки, АҚШ ҳукумати маблағларни «тежаш» баҳонасида социал эҳтиёжларга, шу жумладан, мамлакатда спортни ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни камайтирмоқда.

### ЖИНОЯТЧИ АДВОКАТ

Италиянинг бундан бир неча ой олдин тарк этган флоренциялик адвокат Федерико Федеричи шу ерга «қўлларига» кишанланган ва полициялар-нинг қаттиқ назорати остида қайтиб келди. У ўтган йилнинг ёзида Швейцарияда қонунга зиддиятли равишда қурол сотишда қаллоблик қилганлиги-да, сохта ҳужжатлар ясаганлиги-да айбланиб, қамоққа олинган эди.

Аммо италиялик адвокат Швейцария маъмурлари тахминидан баттар ўта жиноятчи бўлиб чиқди. У 1980 йилнинг августида Болонья шаҳри темир йўл вокзалида кучли бомба қўйиб, уни портлатишни ташкил этишда даҳлдор деб Италияда айбланган. Уша қонли ифвогарлик натижасида юзга яқин киши ҳалок бўлиб, 200 га яқин киши жароҳатланган эди. Жиноятчи адвокат Аппеннин ярим ороли-да ўнгларнинг машъум «П-2» гуруҳининг актив аъзоси бўлган.

Мамлакатнинг тергов органлари флоренциялик адвокатнинг тутиб берилиши «П-2» гуруҳи аралашган кўпгина қора ишлар терговини енгиллаштиради, деб ҳисобламоқдалар.

## ҲАР ТЎҒРИДА

### ҲАВАСКОР САЙЁҲЛАР

Португалиялик икки автомобиль ҳаваскори Европанинг энг ғарбий нуқта — Португалиянинг Рок бурнидан қитъанинг Норвегиядаги энг шимолий бурни сари йўл олди. Улар деярли 6 минг километрга бораднган йўлни 96 соатда босиб ўтишни ҳамда манзилга Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида етиб боришни орзу қилиб йўлга чиқдилар. Сайёҳлар бунинг учун машинани тўхтатмасдан навбатма-навбат ҳайдаб бордилар.

### ТАБИАТ «ЎЗАРЛИГИ»

Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган Фижи ороллари-да «Оскар» тўфони вақтида 7 киши ҳалок бўлди, юзлаб уй-жойлар қаттиқ шикастланди, қамишзор ва кокс дарахтзорларига катта зарар етди.

### ҚОРОНҒИДА ТОПИШГАНЛАР

**● МАПУТУ.** Претория билан Тель-Авив ўртасидаги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш — расмий визит билан ЖАРга келган Исроил молия министри Й. Аридор билан Апартеид режимининг юқори мансабдор арбоблари ўртасидаги музокараларнинг бош мавзуидир. Иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ ва капитал маблағ ҳажмини кўпайтириш тўғрисида тузилган битим шу учрашувларнинг дастлабки якуни бўлди. (ТАСС).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

### Чўл дурдонаси

Мухторжон Зиёев бошлиқ бригада чўлқуварлари ҳақида гап кетганида Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхознинг ишчилари илиқ фикрлар айтишади. Чунки у бошлиқ чўлқуварлар тўрт йилдирки, Бойлихона массивига чигит экиб, гектаридан 30 центнердан ошириб чўл дурдонаси олиб келишмоқда. Ўтган йили улар 100 гектар майдондан 300 тонна «оқ олтин» топширдилар.

Чўлқуварлар 1983 йилни ҳам яхши бошладилар. 100 гектар ер куздаёқ сифатли ҳайдалганди. Ҳозир ишлар қизғин давом этяпти. Холмўмин Удаев, Жўра Мақсудов, Барот Сафаров, Қурбонмурод Имомов, Нусрат Камолов сингари тажрибали механизатор ва деҳқонлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса бажаришга эришмоқдалар. Шу кунгача далага 300 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарилди.

Бригада азаматлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, Ватанга 400 тонна чўл пахтаси армуғон этишиёқида кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

**Ж. ЮСУПОВ,**
**Қашқадарё области.**

### Техника шай

Пастдарғом районида пахтакорлари кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришаётир. Айниқса, мавсумда ишлатиладиган техника воситалари тезкорлик билан шайланяпти. Ремонтчилар ишда сифатга алоҳида эътибор беришмоқда. Шу кунгача мавжуд ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 224 та сеялка, 1273 комплект борона ва бошқа техника воситалари ремонтдан чиқарилиб, старт чизиқларига қўйилди. Бу ишда «Ўзбекистон», «Прогресс», Ленин номли хўжаликларнинг механизаторлари жонбозлик кўрсатишди.

Ҳозир райондаги колхоз ва совхозларнинг механизаторлари мавсумда ишлатиладиган агрегатларни дастлабки синовдан ўтказиб қўйишяпти.

**Н. ЭШҚУВВАТОВ,**
**Самарқанд области.**

### Бригада чорваси

Оҳангарон районидаги Будённий номли совхознинг Ҳабибулло Салимов бошлиқ картошкачилик бригадаси деҳқонлари бир неча йилдан буён қўриқ ерда мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Бултур бригада аъзолари 86 гектар майдонга картошка экиб, давлатга 850 тонна маҳсулот топширдилар. Ҳар гектар ердан 236 центнердан ҳосил олинди. Бу планда кўзда тутилганидан икки баравар кўпдир.

Бригада азаматлари бу йил картошка майдонларини 70 гектарга етказиш учун курашмоқдалар. Айни вақтда бригадада ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Бу ерда 13 бош қорамол, 20 бош қўй, 100 дан зиёд парранда парвариш қилинмоқда. Улар шу йилдаёқ давлатга 5 тонна гўшт топширишга аҳд қилишди.

Илғор бригада бошлигининг ташаббусига совхозда-ги кўплаб бригадалар ҳам қўшилмоқдалар. Булар қаторида Абдурашид Абдувоситов бошлиқ бригада азаматлари ҳам бор. Улар бу йил давлатга 3,2 тонна гўшт топширишга аҳд қилишди.

**Н. АБДУРАСУЛОВ,**
**Тошкент области.**

* * *

Шунингдек, хабарларни Сирдарё районидан А. Бурлиев, Кува районидан С. Рустамов, Пскариқ районидан Н. Ҳамидов, Ғиждувон районидан О. Комилов, Н. Йўлдошев, Хўжаобод районидан Р. Жуманиёзова, Тўрақўрғон районидан И. Нишонов, Қизилтепа районидан Р. Неъматов, Каттақўрғон шаҳридан М. Эшмаматов сингари жамоатчи мухбирларимиз ҳам йўллашган.

*КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!*

# ИШ ҚИЗҒИН

Сурхондарё областининг колхоз ва совхозларида, район марказларида, аҳоли яшайдиган жойларда кўкаламзорлаштириш, боғ ва токзорлар бунёд этиш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Бу ерда кўчат ўтқазиш ойлиги эълон қилинганидан бери 15 кун вақт ўтди. Ана шу қисқа вақт ичида жойларда талай ишлар амалга оширилди.

Область ўрмон хўжалигининг ходимлари Учқизил массивидаги асрлар бўйи фойдаланмай ётган 130 гектар қумлоқ ерларни жуда қисқа фурсатларда ўзлаштириб, шу майдонларда янги ўрмончилик участкасини барпо этяптилар. Шу кунларда бу ерларга сув чиқарилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Ўрмончилик участкасининг Шукрулло Давлатов бошлиқ бригадаси аъзолари ўн минг тупга яқин анор, ўрик, шафтоли ва ток кўчатларини олиб келиб, уларни агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда ўтқазиш ишларини қизғин бошлаб юборишдилар. Ўрмончилар бу муҳим ишни март ойи бошларигача тўла тугаллаш учун курашяптилар.

Бу йил область колхоз ва совхозларида 225 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш, 1500 гектар токзор, 600 гектар боғ барпо этиш планлаштирилди. Шеробод ва Ленин йўли районларида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш планлари муваффақиятли адо этилди. Бу районларнинг ҳар бирида 24—25 минг тип кўчат ўтқазилди. Бу хайрли иш Ангор райони хўжаликларида ҳам яхши ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили областда янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган узумчилик совхозларида ток қаламчалари ўтқазиш айниқса, яхши ташкил этилди. Каттақўрғон, Ленин йўли, Шеробод районларидаги узумчилик совхозларининг коллективлари актив фаолият кўрсатяптилар. Бу районларда янги токзорлар барпо этиш топшириғи ошириб юборилди.

Бироқ кўчат ўтқазиш, янги боғ-роғлар барпо этишдаги ибратли ишлар билан бир қаторда айрим жойларда жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бойсун, Сариосиё, Шўрчи ва Олтинсой районларида кўкаламзорлаштириш ишлари ҳанузгача чипакамига бошланмаганини қандай баҳолаш мумкин? Гагарин, Денов ва Қумқўрғон районларида эса кўкаламзорлаштириш, кўчат ўтқазиш ишлари жуда суст бораяпти.

Кўчат ўтқазиш, боғ-роғлар барпо этишни жадаллаштириш ва йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш учун ҳали фурсат бор. Партия, совет, хўжалик ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмоқлари, кўчат ўтқазиш, кўкаламзорлаштириш ойлигида белгиланган топшириқларни тўла бажариш борасида зудлик билан кескин чоралар кўрмоқлари даркор.

**А. ХАЛИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

## МАЙИНА ҲАСАНОВАНИ ХОТИРЛАБ

Ғузорда жасур разведкачи Майина Ҳасанова хотира-совғасининг учун анъанавий кроссининг финал баҳслари ўтказилди. Марра сари интилишда андижонлик югурувчилар маҳорат кўрсатдилар. Жумладан, 1000 метрли масофада Наталья Кузовлева, 1,5 километрли йўлда Мунира Холбекова, 2 километрга югуришда Татьяна Тожибоевалар зафар қучдилар. 3 километрли масофада эса фарғоналик Тамара Усмонова биринчи бўлди.

ФУТБОЛ:

## ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Тошкент ва пойтахт область стадионларида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир давом этмоқда. Навбатдаги учрашувлар қуйидагича якунланди. СССР-2 — РСФСР —0:2, Польша — Ўзбекистон — 0:1, ГДР — Швеция — 1:2, СССР-1 — Венгрия — 2:0. Ҳозир СССР-1 командаси 6 очко билан ягона пешқадам бўлиб турибди. Польша ва Ўзбекистон коллективларида 4 тадан очко бор.

ОҒИР АТЛЕТИКА:

## АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Одессада «Дўстлик» кубоги учун халқаро турнир давом этмоқда. 82,5 килограмм вазнли полвон, андижонлик Ноил Муҳаммадёров икки курашда 367,5 (162,5 — 205) килограммли натижа кўрсатиб, муваффақият қозонди.

## РАССОМНИНГ БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

— Нима қилиб қўйдингиз?
— Иш вақтимда кинога таклиф қиляпсиз... Яна бошқаси билан тушиб юрманг деб...

— Нима йўқотдингиз?
— Сизни... Мана топдим...

— Бир нўх ташлай-чи, байрамга нима совға қилар эканлар.

А. Ҳолиқов расмлари.

Редактор
**М. ҚОРИЕВ.**


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

**ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**кундузги** аспирантурага: акушерлик ва гинекология, эндокринология, ички касалликлар, гигиена, патологик анатомия, стоматология, хирургия, анестезиология, урология, тери-венерология касалликлари;

**сиртқи аспирантурага:** акушерлик ва гинекология, ички касалликлар, гигиена, стоматология, хирургия;

**клиник ординатурага:** акушерлик ва гинекология (5 йил), ички касалликлар (6), кардиология (2), қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, хирургия (6), анестезиология (2), урология, педиатрия (2), нейрохирургия, травматология ва ортопедия, болалар хирургияси, асаб касалликлари, психиатрия, стоматология (4), онкология, кўз касалликлари, физиатрия, эндокринология, неврология, аллергология, тери-венерология касалликлари, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, медицина радиологияси, физиотерапия, клиник фармакология (2).

**Стажёрлик-тадқиқотчиликка:** анатомия, топографик анатомия, фармакология (2), патологик анатомия, патологик физиология, нормал физиология, гистология, иммунология, генетика, гигиена (3), суд медицинаси, микробиология, эпидемиология.

ҲУЖЖАТЛАР эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

**Кириш имтиҳонлари — 1—30 июнь кунлари ўтказилади.**

**Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700033, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй, аспирантура бўлими.

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕН БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ

**170-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**1983—84 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича**

**ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ИЛ.**

**Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:** электр поездларининг электр ускуналарини ремонт қилувчи электр слесарь, метрополитен станцияларининг навбатчилари, экскаватор машинистлари, тортиш подстанцияларининг электр монтёрлари, автоматика, телемеханика; алоқа, электр монтёрлари; ҳаракатдаги составни ремонт қилиш бўйича слесарь, слесарь-сантехник, электр поезд машинисти ёрдамчиси, электр пайвандчиси.

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БЎЛИМИ УЧУН**

**ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТЛАРИ.** Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 2 йил: **ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИЛАРИ, ЭЛЕКТР ПОЕЗД МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИЛАРИ, ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТОВАР БИЛЕТЛАРИ ВА БАГАЖ КАССИРИ, БАГАЖЛАРНИ ВА ЮКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛУВЧИ-ТОПШИРУВЧИЛАР, ЛИФТЛАР РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМЕХАНИК, ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИКЛАРИ.**

**Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар.**

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процента ўқувчиларга берилади.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келгандан сўнг тепловоз машинисти ихтисоси бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини тугатган ҳамма ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақида ва эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади. Улар ўз касблари бўйича Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар ва темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

**Ҳужжатлар умумий асосларда қабул қилинади, фақат медицина комиссиясидан темирйўлчилар поликлиникасида ўтилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 55-63-20.

**«СЕЛЬТРАНССПЕЦСТРОЙ» трестининг**

5-ИХТИСОСЛАШГАН КЎЧМА МЕХАНИЗЛАШ КОЛОННАСИГА

**Тошкент область объектларида ишлаш учун труба ётқизувчи машинистлар, бульдозер ва экскаватор машинистлари**

## КЕРАК

**Меҳнат ҳақи — ишбай.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Коммунистик райони, «Ленинский путь» колхози («Паркент-«Лубавод» автобусларининг «Чапаев кўприги» бекати).


# Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Байрам** концерти, 9/III да **Севги ва шамшир**, 10/III да **Севилья сартароши**, 11/III да **Инки дил достони.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 8/III да **Келинлар кўзголони**, (12.00), **Рўё** (19.00), 9/III да **Соқов рицарь**, 10/III да **Абу Али ибн Сино**, 11/III да **Юрак операцияси.**

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ШАҲРИ

## МАРКАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИ

**Совет почтаси чиқарган маркада Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор меъморий жойлари тасвирланган. Марка Тошкентнинг шу йил нишонланадиган 2000 йиллигига бағишланган.**

● **БАРЧА** рассомлар ажойиб ва невкирон шаҳарни тасвирлашни севадилар. Унинг ўтмиши тўғрисида - фақат қадимий ёдгорликлар, шунингдек уларни ўрганувчи тарихчилар ҳикоя қилишлари мумкин. Почта маркасини безатувчи кичик графика усталари ҳам бундан мустасно эмаслар. «Филателия географияси»нинг Тошкент бўлимида шаҳар кўринишлари тасвирланган юзга яқин марка, конверт ва открткалар бор. Тошкентга келиб кетган кишилар учун улар эсдалик бўлиб қолади.

● **БУНДАН** 36 йил муқаддам, Ўзбекистон ССР ташкил этилганига 25 йил тўлган пайтда почта маркаларида илк бор Тошкент ҳукумат уйи ва Ленин ҳайкали, Навоий номли ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри, педагогика институти тасвирланган эди. Ҳозир эса почта нашр этган барча нарсаларнинг ҳатто сюжетини ҳам саноб ўтиш қийин.

● **ПОЧТА** нашрларида Тошкент куранти ва Революция хиёбонини ҳамда Ленин майдони ва Навоий кўчасини, университет ва телевидение марказини, театрларни кўриш мумкин. Улуғ шоир Алишер Навоийга ва 14 Туркистон комиссарига ўрнатилган ёдгорликлар, Анҳор устига қурилган кўприк, «Юбилейний» спорт саройи кўзга ташланади. Почта нашрларида шаҳар марказининг ажойиб ансамбли — республика Компартияси Марказий Комитетининг биноси, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали тасвирланган. Тошкент метроси ҳам эътибордан четда қолмади: 1979 йилги маркада «Ленин номли майдон» станциясининг кўриниши акс эттирилган.

Тошкент Москва Олимпиадасининг туристик объектларидан бири бўлди. Олимпиада туркумидаги марка ана шундан далолат беради. Маркада СССР Халқлари дўстлиги музейи фонида «Жасорат» монументи тасвирланган. Шаҳар ғоят гўзал, унинг аҳолиси меҳмондўст, қуёши нурафшон. Бу энг муҳими эмас. Муҳими, — деб ёзади ТАСС мухбири С. Мутовкин. — Тошкент, ягона оила бўлиб, шаҳарни вайроналардан қайта тиклаган барча совет республикалари халқларининг қардошларча дўстлиги рамзи бўлиб қолди.

*ОБЛАСТЬ ТЕАТРЛАРИДА*

# МАҲОРАТ ЙЎЛИДА

Андижондаги Охунбобоев номли ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи кейинги йилларда ўз репертуарини анча бойитди. Беш йилда йигирмата асар саҳналаштирилди. Коллектив бу йил Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллигига бағишлаб, К. Яшин ва М. Муҳамедовнинг «Гулсара», З. Муҳиддинов ва М. Ҳамидовнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобир» асарларини саҳналаштиради.

Яқинда театр ўз муҳлисларига янги асар тақдим этди. Бу В. Шекспирнинг — жаҳон классик драматургиясининг дурдонаси ҳисобланган, ўзбек томошабинларига буюк санъаткор Аброр Ҳидоятовнинг бетакрор ижрочилиги туфайли яхши таниш бўлиб қолган — «Отелло» трагедиясидир. Асарни театрнинг бош режиссёри Маннон Ҳамидов саҳналаштирди. Бош дирижёр Ризо Юсупов разил жамият ва муҳит томонидан топталган, қабиҳлар макри, тубанлиги бўғиб ташлаган соф севги ва одамийлик фожиасига, бир-бирини беҳад севганлар ҳалоқатига бағишланган фожиавий асар мазмунига монанд музика танлаган. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом В. И. Лигай асарга мос саҳналар яратди. Безаклар, либослар, декорациялар ишлади.

Ёш, тажрибали режиссёр Маннон Ҳамидов асарнинг бош ғоясини, Отеллонинг ўта оғир қисматини, ғоят қайғули ҳаёт йўлини, Отелло ва севгилиси Дездемонани ҳалоқатга олиб келган қабиҳ социал муҳитни асосан тўғри талқин қилган. У актёрлар танлаш, улар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор берган.

Ҳақгўй ва ҳақиқатпараст, ажойиб инсон, баҳодир лашкарбоши Отелло ҳаётининг талқини талантли актёр Саидаҳрор Улуғовга топширилган. Томошабин унинг ижросида саҳнада мамлакат ва одамийлик учун курашларда ғайратланарли баҳодирликлар кўрсатган, ўз маҳбубасига вафодор, орномусни ҳамма нарсадан — ҳаётдан, ҳатто севгилисидан, маҳбубасига бўлган беҳад муҳаббатидан афзал кўрган ва ғоят маккор, айёр Ягонинг мудҳиш ният ҳамда ҳаракатлари олдида, бўҳтон ва қабиҳликлари олдида, улар билан олишувларда ниҳоят заифлик кўрсатиб, соддалик ва нодонликка йўл қўйиб, ҳам севгисини, ҳам севгилисини, ҳам ўзини ҳалокат гирдобига ташлаган машҳур Отеллони кўради.

Актёр Отеллонинг изтиробда қийналишини ишонарли, ҳаяжонли талқин этишга ҳаракат қилади.

«Отелло» асаридан бир кўриниш. Отелло ролида С. Улуғов, Дездемона ролида Т. Рўзиева ва Эмилья ролида М. Мадраҳимова. В. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

Отелло шу қадар юксак одобли, адолатли, инсофли одамки, унингча, инсон деган буюк зот ёлғон гапириши мумкин эмас. Шу жумладан, Яго ҳам Дездемонадек ғоят пок аёлни бекорга хиёнатда ёлғондан айблаши мумкин эмас, бунинг аксини Отелло тасаввурига сиғдира олмайди. Бундан Яго усталик билан фойдаланади, икки буюк шахснинг инсонийлигига ва ишончига раҳна соладь. Оқибатда, Отеллони даҳшатли фожиага олиб келган нарса Яго макрига қурилган рўмолча воқеаси ҳақиқатланган номус азоби бўлиб чиқади.

Лекин асосий гап бунда эмас. Разиллик, айёрлик, қотилликни ўзида мужассамлаштирган ва сарой одати ҳамда чиркинликлари руҳида тарбияланган Яго маълум маънода ўзининг мудҳиш мақсадига эришса-да, унинг бу галабаси қақтинча бўлади, кейин сир очилади. Отелло Ягонинг бўҳтонларига ишониб, бегуноҳ хотини Дездемонани асоссиз таҳқирлагани, ҳалоқ қилганини пайқаб, ўзини ўлдиради.

Актёр Саидаҳрор Улуғов бу фожианинг моҳиятини тушуниб, ўзига хос Отелло яратган. Унинг Отеллоси томошабиларда Ягодек разил кишиларга, уларнинг макр-ҳийлаларига кучли нафрат уйғотади, ёшларни соф севгини қадрлашга даъват этади. Аммо актёрнинг ҳаракатларида кўпинча бир хиллик кўзга ташланади. Айрим саҳналарда ҳатто жўшқинлик етишмайди. Ўйлаймизки, актёр бу образ устидаги изланишларини ҳали давом эттиради, маромига етказади. Бунинг учун унда куч, имконият, энг муҳими, яратилаётган образга муҳаббат бор.

Дездемона ролини ёш, умидли артист, Андижон область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Турсуной Рўзиева ўйнамоқда. Унинг сиймосида ниҳоят даражада иффатли ва назокатли, чексиз севган ва чексиз севилган, юксак одобли, ўз эрига содиқ ва покиза аёл Дездемонани кўриш мумкин. Асар бошларида актрисада жўраст, жасорат, жўшқинлик, урф-одатларга нисбатан исён руҳи етишмайди. Бора-бора Дездемона — актриса ҳаракатларида, ижросида ўзгариш юз беради. Бу ўсиш яна давом этиши керак.

Яго ролини артистлардан Қобилжон Мадаминов билан Маннон Ҳамидов навбатма-навбат ўйнашяпти. Дастлаб иккала артист ҳам айёр Яго ўрнига манман, комик Яго образини яратган эдилар. Ҳозир улар санъатшуносларнинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб, ижодий изланишни давом эттирмоқда. Биз Маннон Ҳамидов талқинидаги Ягони кўрдик. Унинг сўзларини томошабинлар англамай қоладилар. Актёр Ягонинг гапларини томошабинларга тушунарли қилиб етказа олишга ҳаракат қилиши, образнинг тили устида ишлаши керак.

Спектаклда иштирок этган актёрлар ролнинг катта кичиклигидан қатъи назар, ўз вазифаларига масъулият билан қараб, маҳоратларини ишга солганликларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Ягонинг хотини Эмилия образи Дездемонанинг оқкўнгил, мулойим, раҳмдил, меҳрибон аёл эканлигини очишга хизмат қилади. У Дездемона билан бирга юради. Бу ролни артист Матлуба Мадраҳимова ўйнаган. Артист ролнинг моҳиятини очиш учун анча меҳнат сарфлагани, ижодий изланганига қарамай, Дездемонанинг қайғулари, аламлари унга таъсир қилмагандай кўринади.

Спектаклда йўл қўйилган айрим нуқсонлар, қиёмига етмаган ўринлар, асар текстининг режиссёр томонидан қисқартирилиши, кўринишларнинг танаффуссиз қўйиб юборилиши, декорацияларнинг торлиги ва бошқа камчиликлардан қатъи назар, «Отелло» трагедиясининг қўйилиши Андижон театри ижодий коллективининг ютуғидир. Премьерада қатнашган томошабинлар бу асар муваффақият билан саҳналаштирилганлигини бир овоздан эътироф этишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Театр санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш ҳамда республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини пухта ўрганиб ижод қилаётган, изланаётган тажрибали коллективга бу баҳолар илҳом бахш этади, «Отелло» кенгусида театрнинг ўлмас асарига айланиб қолади, деган умиддамиз.

**Эътибор ОХУНОВА,**
**Аворбой ҚУРОНБОЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.**

*Республикамиз бўйлаб*

## ҚОВОҚ ШАРБАТИ

**Кўпдан-кўп парҳез маҳсулот — консерваланган қовоқ шарбати БАМ қурувчиларига, Заполярье меҳнаткашларига юборилди.** Бу 42 минг банка қовоқ шарбатини Самарқанд мева консерва заводи тайёрлади. Ёзда шафтоли ва олхўри консерваларини тайёрлаб, қишда бекор турадиган технологик линияларден бири такомиллаштирилганидан сўнг бу ерда қовоқ шарбати тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда бу ускунаден қиш ойлари сервитамин маҳсулот тайёрлаб, ундан йил бўйи фойдаланиш мумкин бўлади.

## ҚАТТА ОМБОР

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозда хўжаликлараро энг катта омборда ишга тушириш-созлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу омбор 8 минг тонна картошкани сақлашга мўлжалланган. Хоналарнинг бир нечтасига Белоруссия ва Эстониядан келтирилган ҳамда Тошкент области хўжаликларида экишга мўлжалланган икки минг тонна уруғлик картошка қабул қилиб олинди.

# ТЕЛЕВИДЕНИЕ

## 8 МАРТ, СЕШАНБА

**МОСКВА-I** 9.00 — Время. 9.40 — Бутун халқаро хотин-қизлар куни. 10.25 — Оналаримизни табриклаймиз. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.20 — Аёлларга муҳаббат билан. 11.45 — Шанба ва яшанба. Бадиий фильм. 12.05 — Москвичка. 13.35 — Спорт ҳафталиги. 14.05 — БАМ адреси ёзилган беш конверт. 14.50 — Цирк маликаси. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.15 — Саёҳатчилар клуби. 18.05 — Берёзка рақста тушади. 18.55 — Мультфильмлар. 19.30 — Голубой огонёк. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 — Рақслар, рақслар, рақслар. 23.40 — Янгиликлар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Тўп қўнғироқлари. Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 11.10 — Концерт. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.45 — Болалар учун фильм. 14.00 — Балет ҳақида. 15.20 — Ҳужжатли экран. 16.20 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Жальгирис». 17.00 — Н. К. Крупская. Телевизион очерк. 17.30 — Эртаклар. Бадиий фильм. 18.40 — Балли, қизлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — СССР Бадиий академиясининг 225 йиллигига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси. 21.30 — Время. 22.05 — Катта болалар. Бадиий фильм. 23.15 — «Советская женщина» журналининг совғини учун синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақалар. 23.40 — Ленин комсомоли номли автомобиль заводи маданият саройи духовой оркестрининг чиқиши.

**ТОШКЕНТ-I.** 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўзбекистон Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музика ҳафталигининг ёпилиши. 11.20 — Қизлар давраси. 12.20 — Олтга аталган гуллар. Бадиий фильм. 13.45 — Фильм-концерт. 17.35 — Ҳар доим бўлсин онам. 18.05 — Эркаклар ёнингизда бўлганда. Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.

**ТОШКЕНТ-II.** 18.15 — Инсонлар тақдири. Телефильм. 18.45 — Эртак эртакдагидек. Музикали фильм. 19.45 — Денгиздаги тўр тўқувчилар. Телефильм. 20.15 — Плюшчихадаги уч терак. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

## 9 МАРТ, ЧОРШАНБА

**МОСКВА-I.** 9.00 — Время. 9.40 — Дарвозаси тиллодан. 10.35 — Саёҳатчилар клуби. 11.25 — Концерт. 11.50 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — Бирганинда аҳил оиламиз. 12.50 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.10 — Горичлар, қаердасиз! 17.55 — Инсон—ер хўжайини. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Ўзбекистон бадиий коллективларининг чиқиши. 19.30 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Рудин. Спектакль. 1-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Рудин. Спектакль. 2-қисм. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Қордаги излар.

**МОСКВА-II.** 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 14.40 — Немис тили. 11.05 — Тарих. 11.35 ва 12.40 — М. А. Шолохов. Ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ. 12.05 — Ота-оналар учун. 13.10 — Физика. 14.10 — Кукриникслар ижоди. 14.40 — Зоология. 15.05 — Э. Т. Гофман. Ижоди ва ҳаёти саҳифалари. 16.10 — Илмий-оммабоп фильм. 16.20 — Янгиликлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.00 — Учишга рухсат этинг. Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.40 — Балалайка. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Сокол».

**ТОШКЕНТ-I.** 11.30 — Музикали фильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Эркаклар ёнингизда бўлганда. Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Юлдузча. 18.50 — Сўз кетидан сўз келар. 19.10 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.45 — Футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Опера солистлари. 21.30 — Время. 22.05 — Кўкламги экишга ҳамма нарса тахт бўлсин. 22.25 — Бир кун бир умр. Бадиий фильм. 23.50 — Оламда нима гап!

# РАДИО

## БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 8.30 — Сизга таъзим. 9.15 — Табассум. 11.15 — Онаман, йўқдир армоним. 11.45 — Москва. Бугун — Халқаро хотин-қизлар куни. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб. 14.00 — Табаррук замин. 16.00 — Аяжонларимиз кўнглайди. 16.40 — 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган адабий эшиттириш. 18.15 — Совет жамиятида хотин-қизлар роли. 18.30 — Қувноқ тароналар. 19.25 — Ёшлик. 20.15 — Ўзбекистон хотин-қизларига. 21.00 — Табассум. 22.30 — Гуллар чиройи. 23.15 — Дам олиш концерти. 24.00 — Хайрли тун.




**БИЗНИНГ АДРЕС**
**700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41**

**ТЕЛЕФОНЛАР**
**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.**

**СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ**

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР